

---

University of World  
Economy and Diplomacy



## Modern Trends in Education: Foreign Languages and International Economics

International scientific and practical conference  
February 23, 2022 - Tashkent, Uzbekistan

### PROCEEDINGS

Tashkent-2022

---

**UNIVERSITY OF WORLD ECONOMY AND DIPLOMACY**



**Collection of the International scientific and practical conference on  
“Modern Trends in Education: Foreign Languages and International  
Economics”**

**February 23, 2022**

---

**“Ta’limda zamonaviy trendlar: xorijiy tillar va xalqaro iqtisodiyot”  
mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to’plami**

**2022 yil 23 fevral**

---

**Сборник материалов Международной научно-практической  
конференции на тему  
“Современные тенденции в образовании: иностранные языки и  
международная экономика»**

**23 февраля 2022 года**

**Tashkent – 2022**

## SECTION IV

### TRANSLATION IN THE ERA OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE: INTEGRATION OF DIFFERENT APPROACHES, TRANSFORMATION OF TRANSLATION INTO A PEDAGOGICAL TOOL

<i>Садуллаев Ф.Б., Ганиева О.Х.</i>	303
ТАРЖИМАДА РАВИШЛАРНИНГ ТУРЛИ МАЪНО ОТТЕНКАЛАРИ КАСБ ЭТИШИ (Жон Стейнбек романлари мисолида)	
<i>Saidova N.S.</i>	306
BASIC PRINCIPLES OF TRANSLATION THEORY AND ITS IMPORTANCE IN THE EDUCATION	
<i>Носирова Р.Х.</i>	310
КОММУНИКАТИВНАЯ СТРАТЕГИЯ УБЕЖДЕНИЯ И СПОСОБЫ ЕЁ РЕАЛИЗАЦИИ В АРГУМЕНТАЦИОННЫХ ТЕКСТАХ ПАРЕМИЙ	
<i>Тешибоева З.С.</i>	313
ШАКЛ ВА МАЗМУН ЎРТАСИДАГИ ФУНКЦИОНАЛ АЛОҚАЛАР- СЎЗЛАР ОРАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРНИ ИФОДАЛОВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА	
<i>Achilova M.S.</i>	315
COMPOSITION ANALYSIS OF THE WORK A.S.CHULPAN	
<i>Турсунбоева М.Д.</i>	319
ВНУТРИЯЗЫКОВАЯ ИНТЕРФЕРЕНЦИЯ	
<i>Абдуллаев А.А.</i>	324
ДИСКУССИЯ КАК ФАКТОР РАЗВИТИЕ КОММУНИКАТИВНЫХ НАВЫКОВ У СТУДЕНТОВ	
<i>Ибадуллаев К.М.</i>	329
КОММУНИКАТИВНО-КОГНИТИВНЫЙ ПОДХОДА В РАМКАХ ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ (на материале английского языка)	
<i>Носирова З.Х., Нодирхонова М.О., Одилова М.Ш.</i>	333
ФОРМИРОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ В ЦЕЛЯХ УСТНОГО ПРОФЕССИОНАЛЬНОГО ОБЩЕНИЯ	

## SECTION IV

### TRANSLATION IN THE ERA OF ARTIFICIAL INTELLIGENCE: INTEGRATION OF DIFFERENT APPROACHES, TRANSFORMATION OF TRANSLATION INTO A PEDAGOGICAL TOOL

#### ТАРЖИМАДА РАВИШЛАРНИНГ ТУРЛИ МАЪНО ОТТЕНКАЛАРИ КАСБ ЭТИШИ (ЖОН СТЕЙНБЕК романлари мисолида)

Садуллаев Ф.Б.

*Бухоро давлат университети Хорижий тиллар факультети катта ўқитувчиси (Бухоро, Ўзбекистон); feruz.sadullaev@mail.ru*

Ганиева О.Х.

*Бухоро давлат университети Хорижий тиллар факультети катта ўқитувчиси (Бухоро, Ўзбекистон); ganieva\_orzigul@mail.ru  
Бухоро, Ўзбекистон*

**Аннотация.** *Жон Стейнбек Америка адабиёти ривожига юксак даражада ҳисса қўшган забардаст намояндалардан биридир. Муаллиф асарлари давр руҳияти, жамият зиддиятлари, турли қаҳрамонлар ва тақдирлар, ўзгаришлар, инсон ва жамият орасидаги келишмовчиликлар ҳамда номуносибликларни акс эттиради. Мазкур мақолада ёзувчи асарларида қўлланилган равишлар, уларнинг воқеалар ва қаҳрамонлар тасвирида роли ҳамда мазмуни муҳокамага тортилган.*

**Таянч сўзлар:** *муҳим, ёзувчи, роман, Жон Стейнбек, гоя, қаҳрамон, реализм, муносабат, кураш, равиш.*

**Abstract.** *John Steinbeck is the prominent literary representative who greatly contributed to the development of American literature. His works reflect the psyche of the period to which they belong, the contradictions of society, different characters and destinies, changes, disagreements or imbalances between society and man. In the following article adverbs used in the novels of the author, their meaning and role in the description of characters and events are discussed.*

**Keywords:** *significant, writer, novel, John Steinbeck, main idea, character, realism, relation, struggle, adverb.*

Бадиий асар ўзида воқеликни ёрқин акс эттира олган ижод маҳсулидир. Унда тилнинг таъсирчан бўлиши – тил бирликларининг тўғри танланиши, матн мазмунига мос келиши ва гапда ёзувчи кўзлаган мақсадни амалга оширишда муайян услубий вазифани бажаришига боғлиқ. Бу эса, ўз

навбатида, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос услубини келтириб чикаради. [1, б. 118]

Жон Стейнбек асарлари билан китобхонлар қалбини жунбушга келтира олган, инсон тақдирини реал бўёқларда акс эттирган забардаст ёзувчилардан биридир. Айниқса, муаллифнинг “The Grapes of Wrath”, “Жавоҳир” (“The Pearl”) романлари эътиборга молик.

Жон Стейнбек ижоди долзарблиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги боис ҳозирги кунга қадар жаҳон адабий танқидчилигида кенг ўрганилганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ёзувчининг асарлари ўнлаб тилларга таржима қилиниб, чоп этирилган бўлса, мазкур юртда ёзувчининг асарлари талқини ва тадқиқига бағишланган илмий ишлар яратилган. Зеро, кенг китобхонлар оммаси адиб асарларини ўз дунёқараши ва фикри билан ўқиб ўрганаётганлиги эътиборни тортади. Дейлик, Ж.Бэнсон ва У.Френч адиб ижодини анча изчил ўрганган мунаққидлар сифатида бир қатор рисола ва мақолаларида ёзувчи асарларининг бадиий хусусиятлари, образларининг ўзига хослиги хусусида маълум хулосага кела олди. Шунингдек, К.Д.Жонсон, П.Б. Ҳай, Д.Мак Артур, С.Буркед, Л.Оуэнс ва Э.Лофтис сингари америкалик адабиётшунослар Жон Стейнбек асарларида инсон индивидуал эмас, жамоа бўлиб тасвирланишини таъкидлашди. Рус адабиётшунослигида ёзувчи ижодини ўрганиш ва таҳлил қилиш борасида амалга оширилган тадқиқотларнинг илмий натижалари Я.Засурский, М.Мендельсон, А.Мулярчик, С.Батурин, Л.Андреев, Н.Шакирова, О.Осьмухина каби адабиётшуносларнинг изланишларида намоён бўлди.

Жон Стейнбек ўз романларида фикрларини ифодалашда асар ғоявий-бадиий тузилишига алоҳида аҳамият беради. Ёзувчи фикрлари ва характерлараро ўзаро боғлиқликнинг асосий калити – бу мавзуларни ёритишдаги фалсафий концепция ҳамда ёрдамчи бадиий воситаларнинг ҳамоҳанглигидир. Адиб турли воситалардан – бадиий услубнинг фонетик, лексик, морфологик ҳамда синтактик имкониятларидан фойдаланади. Уларнинг айримларини кўпроқ, айримларини камроқ қўллаши, баъзиларини умуман қўлламаганлигини кузатиш мумкин. [4, б. 44] Бу муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсадига боғлиқдир. Шу ўринда айтиш жоизки, равиш билан боғлиқ ҳолатдаги тил воситаларининг бадиий матндаги ифодаси турличадир. Муаллиф романларида мазмуннинг кучини, воқеаларнинг таъсирчанлигини, бўёқдорликни ошириш мақсадида улардан унумли фойдаланади. Мақоламизда равишларнинг “The Grapes of Wrath” ҳамда “The Pearl” романларидаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритамиз.

Муаллиф иккала романда ҳам “*now*”, “*slowly*”, “*quietly*” каби равишлардан кенг фойдаланган. Бу равишлар асарлардаги қаҳрамонлар кайфияти, руҳияти ва давр вазиятидан келиб чиққан ҳолда қўлланган.

“*Now*” равиши ҳақида сўз бораркан, романларда унинг “*ҳозир*”, “*энди*”, “*айни чоғда*” каби маъноларини учратамиз. Ёзувчи “*now*” равишини гапнинг бошида ёки охирида келтириш билан кўзлаган мазмунни китобхонга

етказишга муваффақ бўлади. *“Kino’s eyes were hooded now, his cheeks were drawn taut”*. [6, p.46] *“Now she was looking at him, her mouth open, as though to hear better, her eyes digging to know better”*. [6, p.98] Ушбу парчаларда *“now”* равишининг *“айни чоғда”* маъноли оттенкасини кўришимиз мумкин. Иккала ҳолатда ҳам кескин вазиятнинг – дастлабки мисолда ўғлини чаён чаққан отанинг уни кутқариш учун жавоҳирини сотишга таёрлигининг (ваҳоланки, бу жавоҳир у учун яхши ҳаёт сари йўл эди) гувоҳи бўламиз. Қаҳрамоннинг ҳолати шу қадар тангки, айнан шу ҳолатга китобхон диққатини қаратиш учун ёзувчи ушбу равишни кўллайди. Кейинги мисолда ҳам адиб Хуананинг айни дамда бутун вужуди билан эътиборини турмуш ўртоғининг қандай қарорга келишини кутаётганини тасвирлайди. Ҳар иккала мисолда ёзувчи *“now”* равишини қаҳрамонларнинг ҳаётидаги муҳим дақиқани ажратиб кўрсатиш учун кўллайди.

Навбатдаги мисолларда *“now”* равишининг *“энди”* маъносини кўриб чиқамиз. *“She could stand fatigue and hunger almost better than Kino himself. In the canoe she was like a strong man. And now she did a most surprising thing”*. [6, p.9] *“Maybe we got to fight to keep our land, like Pa and Grampa did. And now the owner men grew angry”*. [5, p.43] Биринчи парчада ҳатто очлик, машаққатни турмуш ўртоғига нисбатан яхшироқ енга олган аёлнинг эндиликда боласининг кийналаётганини кўтара олмаётганининг гувоҳи бўламиз. *“Энди у ўзини галати тутаётган эди”* деб ёзувчи ана шу ҳолатга ишора қилмоқда. Кейинги парчада ота-бобосидан мерос ерларни тортиб олишаётгани туфайли курашга отланган қаҳрамоннинг жамиятдаги муаммоларга муносабатини кўрамиз. *“Энди ер эгаларининг жаҳли чиқди”* дейишдан муаллифнинг мақсади – қаҳрамон шу воқеага қадар бундай йўл тутмай, ўзини вазмин тутганлигини китобхонга уқтиришдир.

Романда яна *“slowly”* ва *“quietly”* равишларини ҳам кўплаб кўриш мумкин. Ёзувчи бу равишларни қаҳрамонларининг характеридан келиб чиққан ҳолда кўллаган. *“Жавоҳир”*даги Кино ва Хуана, *“The Grapes of Wrath”*даги Том, Она ҳамда Жоадлар оиласи аъзоларининг бари содда, камтар ва вазмин инсонлардир. Энг танг ҳамда мушкул аҳволда ҳам босиқлик билан ҳаракат қиладилар, бу уларга хос фазилят. Бунинг исботини қуйида келтирилган мисолларда кўрамиз. *“Kino and Juana came slowly down to the beach and to Kino’s canoe, which was the one thing of value he owned in the world”* [6, p.19] *“He (Kino) turned and left quietly, and the people let him through”* [6, p.36] *“Noah moved slowly, spoke seldom, and then so slowly that people who did not know him often thought him stupid”*. [5, p.101] *“Tom reached quietly into his pocket and brought out his tobacco, and he rolled a cigarette slowly and looked over it at the coals while he worked”*. [5, p.72] Мисолларда кўлланган *“slowly”* ва *“quietly”* равишлари *“секин”* ва *“оҳиста”* мазмунида кўлланилиб, қаҳрамонлар дуч келган вазиятнинг мураккаблигини, иложсиз аҳволда эканини китобхон кўз олдида гавдалантиришга ёрдам беради. Муаллиф ҳар бир образининг қалбида кечаётган ғалаёнлар, чорасизликдаги ҳаракатларини

мазкур равишлар ёрдамида тасвирлайди. Бу эса, ўз навбатида, китобхонни ҳар бир образга яқинлаштиради ва ҳамдард қилиб қўяди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ёзувчи ўз олдида мақсад қўяр экан, буни амалга ошириш учун у барча воситалардан унумли фойдаланади. Жон Стейнбек романларининг кучини оширган воситалар каторида “*now*”, “*slowly*” ва “*quietly*” равишларининг моҳирона қўлланганини ҳам кўриб ўтдик. Бу омил ҳам “Жавоҳир” ва “The Grapes of Wrath” боқийлигини таъминлашдаги бир восита бўлган десак, муболаға эмас.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Боймирзаева С. Бадиий матнда луғавий бирликлар стилистик имкониятларининг намоён бўлиши // Ўзбек тилшунослиги масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд, 2007.

2. Ganieva, O. K. The essential literary criticism of John Steinbeck’s “The pearl” and Odil Yakubov’s “Mukaddas”. // ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (85), 747-750. – 2020.

3. Засурский Я.Н. Американская литература XX века. – М.: МГУ, 1984.

4. Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Монография. – Самарқанд, 1992.

5. Steinbeck J. “The Grapes of Wrath” New York: “Penguin books”.- 1986.

6. Steinbeck J. The Pearl. – New York: Bantam books, 1987.

### BASIC PRINCIPLES OF TRANSLATION THEORY AND ITS IMPORTANCE IN THE EDUCATION

**Saidova N.S.**

*sdvngna51@gmail.com*

*3rd grade, Faculty of International relations (world politics)*

*University of World Economy and Diplomacy*

*Tashkent, Uzbekistan*

**Abstract.** *Translation, which unites peoples and provides information about them, is the most current theory and practice of today. The purpose of this article is to reveal the essence of translation theory, its principles and methods, to emphasize the role of translation in our lives and education processes, to highlight the important factors and features in the translation process from language.*

**Keywords:** *translation theory, translation factors and features, dynamic equivalent, pragmatic text, literary text, oral text, linguistic and non-linguistic factors, sibling and non-sibling languages, literal translation, educational resean, meaningful translation, independent translation.*

Political, economic, scientific and cultural cooperation between different people is growing all over the world, and it is impossible to imagine these relations